

---

## Данғара туманида "ДХХ КУБОГИ" мусобақаларига старт берилди!

Данғара туманида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида футбол ва мини-футбол бўйича анъанавий "Давлат хавфсизлик хизмати кубоги" туман босқичи беллашувларига қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди.

Данғара тумани Давлат хавфсизлиги хизмати (ДХХ) бўлими ташаббуси билан Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда туман спорт мактаби ҳамкорлигида ташкил этилган футбол ва мини футбол бўйича «Давлат хавфсизлик хизмати кубоги» спорт мусобақасининг очилиш маросимида туман ҳокими, сектор раҳбарлари, ДХХ туман бўлими бошлиғи, маҳаллалардаги ёшлар етакчилари ҳамда маҳаллалардан ташриф буюрган ёшлар жамоалари иштирок этишди.

Тадбирида сўз олганлар ёшлар ўртасида футболни оммалаштириш орқали улар орасидан янги иқтидор эгаларини аниқлашга ҳамда ёшларимизни бир-бирларига янада яқиндан дўст бўлишига хизмат қилишини таъкидлаб, маҳалла ёшлар футбол жамоаларига омад тилади.

---

2024-04-13 18:46:22